O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 52 (9.091) * 1998 йил 6 май, чоршанба * Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ

5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

— Сафардан мақсадимиз Россия билан муносабатларни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. Ўйлайманки, халқимиз ҳам бу фикрни маъқуллайди. Россиянинг Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда ўз манфаатлари бор. Шунингдек, аввал айтган фикрларимни яна қайтариб айтаман: Россия билан нафақат сиёсий, балки иқтисодий масалаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик биз учун устувор масала бўлиб қолаверади.

Мустақилликка эришгандан кейин юздан зиёд давлат билан расмий алоқа ўрнатдик. Лекин бизнинг ташқи сиёсатимизда Россиянинг ўз ўрни бор. Буни республикамизнинг олис қишлоқларида ҳам яхши тушунадилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатдан, алоқадан оддий кишилар ҳам, корхоналар ҳам бирдай манфаатдор. Бу нафақат иқтисодий-сиёсий, балки бошқа масалаларда ҳам яққол сезилиб турибди. Биз ташриф давомида шундай муносабатларимизнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Сафар асносида Россия президенти Б. Ельцин билан ўзаро алоқаларимиз ҳақида баёнот имзоланади. Шунингдек, Ўзбекистонда В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида Москвадаги Илюшин конструкторлик бюроси ҳамда АҚШнинг баъзи бир компаниялари билан ҳамкорликда ИЛ-114 йўловчи ташувчи ва ИЛ-76М юк самолёти ишлаб чиқариш бўйича консорциум ташкил қилиш ниятидамиз. Бундай самолётларга ҳозир дунё бозорида эҳтиёж катта. Булардан ташқари, ҳукуматлараро ўнга яқин бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланиши режалаштирилган.

Энди мустақилликка эришган пайтларимиз Москванинг бизга муносабати бошқача эди. Очиғини айтсак, у ердаги айрим сиёсатчилар «Булар биздан айрилиб қаёққа ҳам борарди, бироз вақт ўтиб, яна олдимизга ўзлари ялиниб келади'', деган фикрда эдилар. Улар бизга ҳамон собиқ иттифоқнинг бир республикаси сингари қарашда давом этарди. Улар Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йўлидан асло қайтмаслигини, бу давлат билан фақат алоқани мустаҳкамлаш кераклигини дастлаб тушуниб етмадилар. Улар манфаат топиш учун ўзаро тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга қўйиш кераклигини сингдиролмадилар. Бугун эса Россияда бундай қарашлар яхшилик томонга ўзгарганини кўриб турибмиз.

Россиянинг юқори раҳбар доираларида ҳам, минтақаларида ҳам Ўзбекистонга нисбатан бошқача муносабат пайдо бўлди. Президент Б. Ельциннинг энди орқага қайтиш йўқ, собиқ совет республикалари мустақиллигини тан олиш ва шунга муносиб алоқалар ўрнатишимиз керак, деган гапи эсимда. Ҳозир бу фикрни қўллаб-қувватловчилар Россияда жуда кўп. Яқинда Свердловск вилояти корхоналари маҳсулотларининг Тошкентда ўтказилган кўргазмаси ҳам шунинг бир далилидир. Уларнинг бизни тан олгани, мустақиллигимизни ҳурмат қилиши аниқ сезилди.

Россияга 1994 йил 2-3 март кунлари бўлган илк расмий ташрифимиз чоғида бизга муносабат бутунлай ўзгача бўлган эди. Мен эндиги ташрифимиз мутлақо бошқача кечади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Москва, 5 май. (ЎзА махсус мухбири Б. Эгамқулов хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун давлат ташрифи билан Москвага келди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортида юксак мартабали меҳмонни Россия Федерацияси ҳукумати раиси Сергей Кириенко ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш.Шохалилов ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан ва уруш иштирокчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва иштирокчиларига 1500 сўм (иккита энг кам иш ҳақи) миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ республика бюджети ҳисобидан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий Таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мазкур пул мукофоти тўланишини таъминласин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 май.



*Тошкентда тайёрланган*

## ИККИ ЙЎНАЛИШДА



«Ўзбеккабель» давлат ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки жаҳон бозорида ҳам талаб тобора ортиб бормоқда. Корхонада тайёрланаётган икки минг хил турдаги кабель маҳсулотларининг 70 фоиздан ортиғи жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатларига экспорт қилинади. Чунки бу сифатли маҳсулотлар хорижда ҳам ўз харидорини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жамоада имкон қидириб ишлаётганларнинг кўпчиликни ташкил этиши корхонанинг муваффақиятини таъминлашда асосий омил бўлмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чорагида кабелсозлар 236 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Марказлашган ҳолда маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 1 миллион 233 минг долларни ташкил этди. Корхонада омбор учун эмас, балки аниқ буюртма асосида маҳсулот тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

Корхонада ишни тўғри ташкил эта билиш билан бирга, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш ҳам ўз натижасини бермоқда. Албатта, замонавий технологияга эга бўлмай туриб, бундай ютуқларга эришиб бўлмаслиги бугунги шароитда ҳар бир корхона аҳлига аён ҳақиқат. Бу корхонанинг ҳам цехларига АҚШ, Швеция ҳамда Италиянинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган. Шу билан бир пайтда бу ерда корхонани қайта таъмирлаш, дастгоҳларни алмаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Бу ҳиссадорлик жамиятида айни кунларда цехларни жиҳозлар билан таъминлаш икки йўналишда олиб борилаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Биринчиси, янги дастгоҳларни сотиб олиш бўлса, иккинчи йўналиш эса эскирган асбоб-ускуналарни қайта таъмирлашни йўлга қўйиш ва шу орқали бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга шароит яратишдир.

— Эски дастгоҳлар ички бўлакларининг бошқарув қисмининг тўла алмаштирилиши, — дейди тажрибали ишчи Обиджон Раҳимжонов, — янги дастгоҳ сотиб олишга нисбатан 70 фоизга арзонга тушади. Биз бу борада ўзига хос тажриба тўпладик.

*Шоҳиста БОБОЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: электрон-ҳисоблаш маркази оператори Лола Бўтаева ёш бўлишига қарамай ўз ишининг устаси; кўп йиллик тажрибага эга бўлган ишчи Обиджон Раҳимжонов Файзулла Усконов билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Тадбиркорлик*

## ШИФОБАХШ МАЗҲАР ЁҒЛАРИ

***Зебохон Ҳикмат қизи тиниб-тинчимас аёллардан. У кўп вақт турли жойларда ишлаган бўлсада, аммо ҳар хил ўсимликлардан ёғ ишлаб чиқаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди. Бугунги кунга келиб унинг орзулари ушалди. «Истиқбол технологияси» кичик корхонасини тузиб, янада кўпроқ шифобахш ёғ ишлаб чиқара бошлади.***

— «Истиқбол технологияси» кичик корхонасини 1995 йилда ташкил этдик. Биз асосан ўсимлик ёғлари ишлаб чиқарамиз, — дейди у. — Бу ёғлар озиқ-овқат саноатида ва техник йўналишлар учун жуда фойдалидир. Ёғларни ишлаб чиқариш жараёнига илмий жиҳатдан ёндошилади. Ёғларимиз писта, мазҳар, кунжут, зиғир, раж сингари ўсимликларнинг уруғларидан олинади. Ёғларни ишлаб чиқаришда кичик линиялардан фойдаланамиз. Бу кичик линияларни ҳам ўзимиз яратганмиз.

Ўтган йиллар ичида мазҳар уруғларини экиш агротехникаси, унинг республикамизнинг турли минтақаларида ўсиши, тупроқ шароитларининг ҳосилдорликка, сув миқдорининг уруғлар ёғлилигига таъсири соҳасида тадқиқотлар ўтказдик. Шунингдек уруғларни сақлаш шароитларини ҳам яратдик. Натижада юқори сифатли, биологик хусусияти қимматли бўлган мазҳар ёғи, унинг кунжарасини ва уруғларини қайта ишлайдиган янги технологияни яратдик.

Мазҳар ёғининг озиқ-овқат борасидаги афзалликлари, ёғ-кислота таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ўрганилди. Мана шу изланиш ҳосиласи сифатида 1997 йилги мазҳар уруғи учун сифат сертификатини ҳамда уруғларнинг сифати учун алоҳида гувоҳнома олдик. Бу билан биз янада изчил изланишлар олиб бориб кўпроқ шифобахш ёғлар ишлаб чиқаришимизга имкон яратилди.

**— Кичик корхонада кўпчилик ишлайдими?**

— Ҳозирча корхонамизда битта техника фанлари номзоди, уч нафар озиқ-овқат бўйича технолог, битта агроном, уч нафар олий маълумотли техник, шунингдек асбоб-анжомларни созлайдиган гуруҳимиз фаолият кўрсатмоқда.

**— Айтингчи, таркибида ёғ моддалари бор ўсимликларни қаерларда ўстирасизлар?**

— Биз Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатсак ҳам, аммо асосий ишимиз республика билан боғлиқ. Чунки бизга керакли бўлган ўсимликлар турли муҳитда ўсади. Айни вақтда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида, Жиззах вилоятининг Ровот шаҳарчасида айнан мазҳар ёғини ишлаб чиқарадиган кичик цехларимиздан бир нечтаси фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқгўшт» акционерлик жамияти қошида ҳам худди шундай кичик цехни ишга тушириш арафасидамиз.

Яқин кунлар ичида шифобахш ўсимлик ёғларининг бир неча турини ҳамюртларимизга тортиқ этамиз.

*Гули АБДУЛЛАЕВА,*
*Дамир ИСЛОМОВ.*

*Анжуманлар*

## ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАБ

***Халқаро «Экосан» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми биргаликда «Экология ва саломатлик» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.***

Унда Тошкент шаҳар «Экосан» жамғармаси бош директори Ш. Р. Иброҳимова, Тошкент Давлат университети профессори Э. В. Пьядичев, ўқув юрти ўқитувчиси С. Бошманов ва талаба К. Зияевларнинг экология ва саломатлик, транспортнинг зарарли чиқиндиларни камайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қизиқарли маърузалари тингланди.

Билим юрти гуруҳлари ўртасида ўтказилган экологик муаммоларга бағишланган «Табиатни асранг» мавзусидаги энг яхши реферат ва деворий газеталар кўрик танлови ҳам якунланди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

*Р. БЕГМАТОВ.*

ЭРТАГА

***шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида республика вазирлик ва идоралари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар раҳбарлари ва уларнинг тармоқ корхоналари бошлиқлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбар ходимлари иштирокида «Ҳавас» турнири бошланади.***

*Теннис*

## «ҲАВАС» МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНМОҚДА

Шуни таъкидлаш кераккки, республикамиз президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва учинчи бор ўтказилаётган «Ҳавас» мусобақалари мамлакатимизда теннисни янада оммалашуви, аҳоли кенг табақаларининг соғломлашувида муҳим ўрин тутаётгани сир эмас. Йирик корхона, ташкилот, идораларнинг раҳбар ходимлари ушбу спорт тури билан бевосита шуғулланишгач, ўз тузилмаларида ҳам унинг ривожига катта аҳамият бермоқдалар, натижада республикамизнинг барча ҳудудларида янгидан янги замонавий кортлар қад кўтармоқда, демакки аҳолининг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган қисми ҳам ҳаммабоп ва соғлиқ учун ниҳоятда фойдали ушбу спорт тури билан машғул бўлишлари учун кенг имкониятлар туғилмоқда.

Ушбу ибратли ташаббус қанот ёзиб турли соҳа ходимлари ҳам ўзларининг саломатлик теннис мусобақаларини ташкил этмоқдалар.

«Ҳавас» турнирида 7 май куни 32 жуфтлик иштирокида саккизта гуруҳ бўйича саралаш беллашувлари бўлиб ўтади. Эртасига эса 24 жуфтлик финал беллашувларида қатнашишади. Гуруҳлар ғолиблари чорак финалга чиқадилар. Сўнг олимпия усулида турнирнинг ғолиб жуфтлиги аниқланади.

Биз шаҳримиздаги барча теннис ишқибозларини «Ҳавас» турнирининг қизиқарли ва ҳаяжонли беллашувларидан баҳраманд бўлишга таклиф этамиз.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Сикорски Эйркрафт» компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда «Юнайтед Текноложиз» корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Харкинни қабул қилди. Америкалик меҳмонлар Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашдилар.

● Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нарешвар Даял бошчилигидаги делегация аъзолари Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашдилар. Улар Тошкентдаги Алишер Навоий номли давлат кутубхонасида ташкил этилган ҳинд фотокўргазмасининг очилиш маросимида қатнашдилар, Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бўлдилар.

● Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида «Устоз» жамғармаси фаолиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда ҳозирги кунда жамғарманинг 40 га яқин ҳомийси борлиги, АҚШ, Германия, Малайзия, Жанубий Корея сингари қатор давлатлардаги ўқув юртлари билан алоқа ўрнатилганлиги маълум қилинди. Ҳозир жамғарманинг вилоятлардаги бўлимларида бўлиб ўтаётган танловлар ғолибларига 850 тадан ортиқ грант берилади. Шунингдек, «Устоз» ташаббуси билан шу ой охирида олий ўқув юртларининг 40 нафар энг иқтидорли ўқитувчилари малака ошириш учун чет элларга юборилади.

● Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон — Европа Иттифоқи қўшма қўмитасининг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳозирги пайтдаги иқтисодий аҳвол, ислоҳотларнинг амалий жараёни, банк ва молия соҳасидаги алоқалар, гиёвандлик моддалар контрабандасига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● ГФРнинг Тошкентдаги элчихонасида 28 нафар ўзбекистонлик студентларга Германия олий ўқув юртларида немис тилини чуқур ўрганиш учун йўлланмалар топширилди.

● «Ўзавтосаноат» уюшмасида Асака заводи автомобилларини сотиш билан шуғулланадиган дилерларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси машиналарини хорижий мамлакатларда сотишни яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

### ЖАҲОНДА

● Бугун Бишкекда Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Асқар Акаев билан Имомали Раҳмонов ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқадилар.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

● Япония Қозоғистоннинг янги пойтахти Оқмолада барпо этиш мўлжалланаётган замонавий аэропорт қурилишининг пудратчиси этиб япон фирмаларидан бири белгиланса, Қозоғистонга 30-40 йил муддатга 200 миллион доллар миқдорида кредит ажратишга розилик берди.

● Эстонияда ўлим жазоси бекор қилинди.

● Афғонистон шимоли-шарқида «Толибон» ҳаракати қўшинлари билан Аҳмад Шоҳ Маъсуд лашкарлари ўртасида яна қуролли тўқнашувлар бошланиб кетди. Покистоннинг Исломобод шаҳрида «Толибон» ҳаракати ва уларга қарши коалиция вакиллари ўртасида бошланган музокаралар эса тўхтаб қолди. Бунга «Толибон» ҳаракати вакилларининг эълон қилинган танаффусдан сўнг музокараларга умуман келмаганлиги сабаб бўлди.

● Страсбургда Европа Иттифоқига аъзо 40 мамлакат ташқи ишлар вазирлари қитъа жануби-шарқида, хусусан Сербиянинг Косово мухториятидаги вазиятни муҳокама этмоқдалар.

● Индонезияда ёқилғи нархи оширилганлиги муносабати билан студентлар ғалаёнлари давом этмоқда. Уларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан тўқнашувларида 50 киши ярадор бўлди.

● Чехия Куба билан дипломатик муносабатларини тиклашга қарор қилди.

● Чехия Президенти Вацлав Гавел Австриянинг Инсбурк шаҳрида таътилини ўтказаётган пайтда хасталаниши оқибатида бу ерда бир неча бор операция қилинганидан сўнг бугун юртига қайтиб келди.

● Туркиянинг 40 минг кишилик армияси мамлакат жануби-шарқидаги тўрт вилоятда курд ишчилар партияси жангариларига қарши энг йирик операцияни ўтказмоқда. Унинг давомида ҳозирнинг ўзида 60 дан кўпроқ курд жангарилари қириб ташланди.

● Африканинг саккиз давлати бўйлаб ташрифини давом эттираётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан кеча Кениядан Руандага келди.

● Филиппинда 11 майга мўлжалланган президент сайловлари арафасида рўй берган террорчилик ҳоллари оқибатида 17 киши ҳалок бўлди.

● Куни кеча Рим папаси Иоанн IIнинг 120 нафар Швейцария гвардиячиларидан иборат қўриқчилар корпуси командири этиб тайинланган 44 ёшли полковник Алоис Эстерманн шу гвардия капрали Сэдрик Торней томонидан отиб ўлдирилди. Бунга капралнинг командир томонидан мукофотга тақдим этилмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Сэдрик Торней Алоис Эстерманн ва унинг рафиқасини отиб ташлаганидан сўнг ўзини-ўзи ҳам отиб ўлдирди. Бу Ватиканнинг сўнгги 150 йиллик тарихида рўй берган биринчи жиноят ҳисобланади.

● Москва шаҳар прокуратураси Россия Бош вазирининг собиқ ўринбосари, Давлат мулк қўмитасининг раиси Альфред Кохга нисбатан давлат маблағларини талон-тарож қилиш айблови билан жиноий иш қўзғади.

*Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги олдидан*

# АЛЛОМА СИЙМОСИ



***Ғарб мамлакатларида «Алфраганус» номи билан машҳур, ўрта асрларда яшаган ўзбек алломаси, астрономия, география ва математика фанларига асос солган олим Абдул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийнинг номи бутун дунёга танилиб кетган бўлсада, бирор суратини кўрганимизча йўқ. Унинг барча хусусиятлари ўзган асарлари, тадқиқотларига сингиб кетганлигини мусаввирларимиз таъкидлашарди.***

***Республикамизнинг кекса мўйқалам соҳибларидан Малик Набиев Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд топган кунга 1200 йил тўлишини нишонлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанидан буён тинмай изланиб, унинг қиёфасини яратишга ҳаракат қилди. Мусаввирда тарихий шахсларнинг қиёфаларини яратишда тажриба бор. ЮНЕСКО тан олган «Абу Райҳон Беруний» портрети, шунингдек, халкимиз эътиборини тортган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур», «Ал-Хоразмий», «Закариё Розий», «Амир Темур» каби тарихий мавзудаги портрет асарлари фикримиз далилидир.***

Аҳмад ал-Фарғоний кимлигини чуқур ҳис этган мусаввир Малик Набиев шошилмай ишга киришганди. Чизгилар сони анчага етиб қолганди. Ниҳоят, шу йил январь ойининг бир кунида ижодхоналаридаги дастгоҳга назар ташласак, матода Аҳмад ал-Фарғонийнинг каттагина қалам тасвирига кўзимиз тушди. «Шу алломани яратмоқчиман. Ҳозирча изланишдаман, бу машқим, тўла тасаввур этишга уринаяпман», — дедилар хаёлга чўмиб.

Мусаввир бирор асар яратаётганда кузатиб юриш санъатшуноснинг бурчи. Бу эса, айрим ижодкорлар ўйлаганча, ҳалал бермайди. Буни Малик ака жуда яхши англаб, санъатшунос ва санъатга қизиққанлар билан доим мулоқотда бўлиб турарканлар. Даргоҳлари кенг, меҳмондўст инсон эмасларми, бирор марта эшикларига тамба тушмаган. Олдинги яратган, муваффақиятли чиққан бир қанча асарлари худди шундай сахий қалблар самарасидан ниҳоясига етказилган экан. Бу сафарги ижод маҳсуллари ҳам худди шундай бўлибди.

Биринчи тасвирда Аҳмад ал-Фарғоний астроном, географик ва математик олимлиги аниқ кўриниб турар, лекин қалам тасвир эди. Хонтахта олдида ўзбекона ўтирган, олимсифат бир инсон жонланаётганди. Хонада этнографик буюмлар намуналари бор бўлиб, уларни токчаларда кўриш мумкин эди. Малик аканинг ижод услублари шундай, бир тасвирнинг акс этишига чинакам ишонч ҳосил қилмасалар, унга сира мўйқалам теккизмайдилар, фақат оддий қалам билангина ишлов бериб турадилар.

Мусаввирнинг Аҳмад ал-Фарғоний тасвиридан секин-аста кўнгли ҳам тўлиб борарди. Санъат шайдоларидан ижодхоналарига таклиф этиб, уларнинг фикрларини ҳам олиб юрардилар. Бир куни маҳалладошлари, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов эшитиб, шу асар яратилишини кўргилари келиб, хонага кириб келибдилар. Томоша қилиб: «Нил дарёси суви сатҳини белгилашда катта илмий-тадқиқот ишларини олиб борган Фарғоний. Шу дарёни кўрсатсангиз», — дебдилар. Бу маслаҳат мусаввирга маъқул тушиб, тасвирнинг орқа тарафидан дераза очиб, Нил дарёсини тасвирлаган эканлар. Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлди.

Ташқи кўринишларига назар ташласак, Аҳмад ал-Фарғоний Арабистонда яшагани учун кийинишлари шунга хосдир. Эгнида йўл-йўл яланг беқасам. Оппоқ соқоллари эса, етмишларга чиқиб қолган нуронийлигидан ҳикоя қилаётган бўлса, тетик, нурли кўзлари, илмиётга ҳамон ташналикдан дарак берувчи ўйчанликлари, бақувват жуссаси, кучғайрат билан ишлашлари қарилигини яшириб, билдирмаётганди...

Тасвирда бирор ортиқча нарса йўқ. Ишлатилган ранглар ҳам шу ёшга мос, улуғсифат. Орқа тарафдаги дераза меҳробга ўхшашлиги мусулмон мамлакати, дину диёнатдан дарак бераётир.

Аҳмад ал-Фарғоний тарихий портрети яратилишини доимо кузатиб, ўз билганимизча фикримизни баён этишга илк журъат этарканмиз, мўйсафид мусаввир Малик Набиев шахсий уйларидаги ижодхоналаридан қайтаётганимизда: «Аҳмад ал-Фарғоний кўриниши назаримда чўчинқираб тасвирланибди. Ўйлаб кўришга тўғри келаяпти. Балки, тикроқ ифода этишга ҳаракат қилсам, озгина тўлинқираётган кўнглим таскин топар» деб қўйдилар, асарларига қайта-қайта тикилиб...

Навбатдаги тарихий асарларидан бири — Аҳмад ал-Фарғоний суврати ҳам у кишининг етук ишларидан бири бўлиб қолишига ишончимиз комил.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ,*
*Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институти «Тасвирий санъат» бўлимининг илмий ходими.*

---

*Ҳамкорлик*

# ГЁТЕ ИНСТИТУТИ ВАКОЛАТХОНАСИ

***Ўзбекистоннинг турли хорижий давлатлар, жумладан Германия билан ҳам барча соҳаларда, шу жумладан маданий ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб боряпти. 1998 йилда ана шу соҳада Германия томонидан бир қатор тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилган. Хусусан, Тошкентда Германиядаги Гёте институтининг бюроси очилиши ҳам кўзда тутилган эди. Яқинда ана шу бутун дунёга машҳур муассасанинг юртимизда ваколатхонаси очилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда дипломатия корпуси вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, журналистлар иштирок этдилар. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар машҳур немис шоири номи билан юритиладиган институт бюросининг мустақил Ўзбекистон пойтахтида ҳам ўз фаолиятини бошлаши икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидладилар.***

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, сўнгги ўтган етти йил мобайнида Гёте институти ваколатхоналарининг сони Ўрта ва Жанубий-Шарқий Европа, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида 16 тага етди. 1998 йилда Вильнюс (Литва) ва Тошкент (Ўзбекистон)да очилган муассасалар ҳам шулар қаторига киради.

Жамоатчи мухбиримиз Гёте институтининг пойтахтимизда очилган бюроси раҳбари, доктор Элизабет Лоттаро хоним билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Мен Гёте институтининг бюроси Тошкентда ҳам очилганидан бениҳоя мамнунман, — дейди Лоттаро хоним суҳбат аввалида. — Шу билан бирга, ана шу ташкилотга раҳбарлик қилиш шарафига муяссар бўлганим учун ҳам масъулият, ҳам фахр-ифтихор туйғуларини ҳис қилмоқдаман.

**— Бюронгиз ўз фаолияти давомида қандай тадбирларни амалга оширади?**

— Бюромиз ўзининг фаолияти давомида турли соҳаларда иш олиб боради. Жумладан, тил, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик, маданий тадбирлар, кўргазмалар, анжуманлар, фильмлар, мусиқа фестиваллари ўтказиш ва ҳоказо тадбирлар шулар жумласидандир. Энг муҳими, мана энди ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ҳам яқиндан иш олиб бориш, улар билан ҳамкорлик қилиш учун жуда кўплаб имкониятлар туғилади. Бу, албатта ўз-ўзидан халқларимиз ўртасидаги маданият, адабиёт ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини келгусида янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

**— Ана шу ҳамкорлик таълим соҳасида ҳам олиб борилса керак?**

— Албатта. Аввало, халқ таълими вазирлиги билан яқиндан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактаблари учун тил бўйича ўқув қўлланмалари чоп этиш ва етказиб бериш, шунингдек, мактабларда ва дорилфунунларда семинарлар ўтказиш, малака ошириш дастури доирасида малака ошириш курслари ташкил этиш борасида ишлар жадал суръатда йўлга қўйилади. Бу курсларда таҳсил олганлар тест синовлари ўтказиш йўли билан имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, халқаро нуфузга эга бўлган сертификатлар оладилар.

**— Бюронинг Тошкентда ўз кутубхонаси ҳам бўладими?**

— Бизнинг ишимизни зиё масканларисиз тасаввур этиш қийин. Бу ерда катта, кенг ва ёруғ, шинам кутубхонага эга бўлишни жуда-жуда истардик. Кутубхонада турли соҳаларга оид адабиётлар, ўқув қўлланмалари, журналлар, кундалик матбуот нашрлари, видеоматериаллар бўлса, қандай яхши. Шунингдек, ахборот марказига ҳам эга бўлишни хоҳлар эдик. Бизни фақат жой масаласи бироз ўйлантириб турибди. Ўйлаймизки, Ўзбекистон томонидан бу муаммо ҳам ўзининг ижобий ечимини топади.

**— Гёте институтининг бош идораси қаерда жойлашган?**

— Бавария ўлкасида, Мюнхен шаҳрида.

**— Муассаса ўз матбуот нашрига ҳам эгами?**

— Ҳа, Гёте институти ўзининг даврий ахборот нашрини чоп этиб боради.

**— Ана шу нашр энди Тошкентда ҳам тарқатилса керак. Шундайми?**

— Албатта.

**— Ўзингиз ҳақингизда икки оғиз.**

— Мен мутахассислигим бўйича олавистман. Етмишинчи йилларда Германияда, Венада, Югославияда рус тилини ўрганганман. Маълум муддат Аргентинада ишлаганман. Сўнгги пайтда институтнинг бош идорасида хизмат қилганман. Юртингизга келгач, энди ўзбек тилини ҳам ўргана бошладим.

**— «Тошкент оқшоми» ўқувчиларига тилакларингиз?**

*Liebe Leserinnen und Leser von "Toshkent oqshomi"!*

*Als Leiterin des neuen Goethe-Instituts in Taschkent grüße ich Sie sehr herzlich. Ich würde mich freuen, viele von Ihnen in unserem Institut oder bei unseren Veranstaltungen kennenzulernen.*

*Mit den besten Wünschen*
*Ihre Elisabeth Lattaro*

*Taschkent, 16. April 1998*

— «Тошкент оқшоми»нинг азиз муштарийлари!

Гёте институтининг Тошкентда бюроси очилганлиги билан сизларни қизғин кутлайман. Сизлар билан муассасамизда, бўлажак тадбирларимизда учрашишдан ғоят хурсандман.

Эзгу тилаклар билан: Элизабет Лоттаро».

*Суҳбатдош*
*Мирзаали АКБАРОВ.*

---

*Матбаа*

# ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН

***Дунё маданиятининг бешиги бўлган Шарқда шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи ўринни эгаллаган. Яратилган китобларда инсонийлик фазилатлари тараннум этилган.***

## АЖДОДЛАР ДИЙДОРИ

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп этилган «Аждодлар сабоғи — ақл қайроғи» китоби Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган Шарқ мутафаккирларининг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида ҳикоя қилади. Номлари тилга олинган Боязид Бостомий, Абдушукур Балхий, Саид Али Хамадоний, Атоулло Маҳмуди Ҳусайний, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, Саидо Насафий каби алломаларимиз ҳақидаги маълумотлар бевосита асл қўлёзма манбалар асосида ёзилган бўлиб, илк бор ўзбек китобхонларига ҳавола этилмоқда. Китоб ўқувчиларни аждодлар меросига муҳаббат, миллий қадриятларимизга чинакам меҳр руҳида тарбиялайди. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

## ЎҒРИ КИМ ЭДИ?

Ёзувчи Исфандиёрнинг «Ўғри» саргузашт қиссасида Совет Иттифоқи деб номланган империянинг инқироз даври, уни емирилишга олиб келган иллатлар қаламга олинади. Катта бир жиноятчини фирқа раҳбарлари орасига олиб кириш орқали ўша даврда улкан мамлакатни бошқариб турган, ҳукмини юргизган одамларнинг ҳақиқий башараси очиб ташланади. Қисса саргузашт-фантастика жанрида ёзилган бўлиб, унинг ихлосмандлари учун муносиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз. Ушбу китоб «Ёзувчи» нашриётида рус тилида 20000 нусхада чоп этилган. Асарни Ҳожиакбар Ислом Шайх ўзбек тилига таржима қилган.

## АФАНДИНИНГ ИЗДОШИ

Хўжа Насриддинни ким билмайди дейсиз? Унинг неваси кичкина Хўжа Насриддинни-чи? Дарвоқе, у Бухорода таваллуд топиб, «Бу азим шаҳарнинг эгаси мен бўламан!» — деб жар солибди. Дунёга келган куниданоқ ҳаммани сўроққа тутибди. Тўрт кун ичида ажойиб-ғаройиб томошалар кўрсатибдики... Қандай томошалар дейсизми? Яхшиси, ёзувчи Сафар Барноевнинг «Кичкина Хўжа Насриддин» туркум ҳикоялар тўпламини ўқисангиз, барча воқеадан воқиф бўласиз. Бунақаси ҳеч бўлмаган. «Ёзувчи» нашриёти ушбу китобни 10000 нусхада чоп этди.

## БИР ҲОВУЧ НУР

«Тонг палла гулзор ораласангиз гуллар ёноғига разм солинг. Марварид сингари товланаётган томчиларни кўрасиз. Бу туни билан йиғилган ариларнинг «дил розини» тинглаган гуллар қисмати, кўз ёшлари эмасми? ..

Одамлар шу тариқа йиғилган болни... мақтаб-мақтаб истеъмол қилишади. Кимдир эса буни ҳаётнинг айланиш қонуниятига йўяди».

Ушбу қатрани Маъмуржон Қиёмовнинг «Нурафшон олам» ҳикоялар, қатралар тўпламида ўқидим. Маъмуржоннинг ҳикоя ва қатраларида фавқулодда воқеалар, ҳодисалар қаламга олинади.

Тўқсонинчи йилларда ўзбек адабиётига, хусусан, насрчилигига бир туркум истеъдодли ёшлар кириб келгани барчага маълум. Маъмуржон Қиёмов ана шундай ёшларнинг пешқадам вакилларидан бири. «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган ёш ёзувчининг илк тўпламини ўқир экансиз, унинг теран нигоҳини илғайсиз, сиз эътибор бермаганингиз кичик ҳолатлар, манзаралардан залворли, таъбир жоиз бўлса, умуминсоний хулосалар чиқаришга уринаётган муаллифнинг кузатувчанлигидан мафтун бўласиз.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

---

*Қутлаймиз!*

# ЁРУҒЛИК ШАБАДАЛАРИ

***«Менинг болалигим уруш даврида кечган. Шу сабаб, юрагимда урушга кетган жангчи йигитлар, фарзандларини кутган интизор оналар, вафодор келинчаклар сиймоси абадий яшайди, — деб ёзади Сафар Барноев. — Уларнинг дарду ҳасратлари эса юрагингга беихтиёр ўрнашади. Улғайганинг сари кўрганинг, билганингни бирор ҳамдард топиб дилингни бўшатгинг келади».***



Ана шу исмлари шоирнинг кўз қорачиғига ёзилган таниш чеҳралар дийдори, қуёшга тенг гулхан ёқиб кетган ҳамқишлоқларининг дарди-ташвишлари, минг бор қайта туғилиб, минг бор қайта ўлган соғинч ва севинч туйғулари Сафар Барноевнинг «Соғинч», «Чеҳралар», «Дадам ҳақида қўшиқ» шеърий тўпламларининг, «Солдат қайтган кун», «Эгизаклар», «Биринчи табассум» насрий мажмуаларининг бадиий-эстетик йўналишини ташкил этади. «Қирқ еттинчи йил ҳикоялари», «Менинг қалбим», «Дил навоси», «Чеҳралар» ҳикоя ва шеърий туркумлари ушбу силсиланинг мағзини белгилайди. Тўрт йил давомида дунёни ларзага солган уруш издиҳоми, мана эллик йилдан ошяптики, туганмас оғриқ, юраклардаги санчиқ ва аччиқ айрилиқ бўлиб ҳаётимизда қолди.

Сафар Барноев ўзи таъкидлаганидек, «уруш деган сўз билан тили чиққан» авлодга мансуб. У уруш қозонида қайнамаган эса-да, уруш даҳшатлари, аламлари ва азобларини бошидан кечирган. Ана шу маънавий-психологик асосига кўра ҳам Сафар Барноевнинг туркумлари, шеърлари ва балладаларида, «Янги ой», «Эгизаклар», «Кичкина Хўжа Насриддин», «Янги кунлар» сингари мағзи тўлиқ қиссаларида уруш ва инсон тақдири, шахс ва жамият, инсон тақдири ва миллат келажаги масалалари бадиий тадқиқ этишда ўзига хос эстетик йўналишга эга.

Шу ўринда биргина соғинч туйғусининг бадиий талқин маъноларига эътиборингизни тортмоқчимиз. Сафар Барноевнинг уруш сабоқлари, ҳаёт тажрибалари бадиий-эстетик идрок ва ифодасига кўра катта бир авлоднинг, даврнинг, шу маънода миллатнинг ҳам муайян бир ижтимоий босқичдаги туйғуларининг ифодасига айланаётир. Бадиий-эстетик тафаккур тажрибалари миллий экан, демак унинг асосини ташкил этган кечинмалар, мушоҳадалар ҳам миллий мазмун касб этаётир.

Сафар Барноев — ёруғ ижод соҳиби. Унинг ижодини ҳам ёруғлик шабадалари деб атасак тўғри бўлади. Олтмишга кирган ёзувчимизнинг қалами толмасин деймиз. Ижоди гуллайверсин деймиз.

*Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,*
*филология фанлари доктори, профессор.*

---

*Назм*

## АЖАБ ДУНЁ

***Ажаб дунё экан,***
***Яқинларим ҳам***
***Мени вақту бевақт ғийбат қиларлар.***
***Қойил қилдим дея,***
***Куйгач мисли шам***
***Қотган жағларини бир-бир силарлар.***
***Кўзларидан уққум***
***Кимнинг кимлигин***
***Ғўлдираб қоларлар ҳазил қилган дам.***
***Мен ҳам жим турмасман,***
***Тутиб шумлигим***
***Ёнларидан ўтгум, улар кулган дам.***
***Бужмаяр қай бири,***
***Бири тиржаяр***
***Бахтим:***
***Ҳар бирини биламан ёддан.***
***Улар кўлмакдаги сувдан юз чаяр,***
***Улар фарқлай олмас эшакни отдан.***
***Ранжимам ҳеч қачон, уларнинг асли***
***Азалдан бир умр ҳуриб ўтганлар.***
***Менинг аждодларим,***
***Тўпорий наслим.***
***Қадамда бир дарахт қуриб ўтганлар.***
***Ажаб дунё экан,***
***Яқинларим ҳам,***
***Мени вақту бевақт ғийбат қиларлар.***
***Аммо остонамдан қўйганда қадам,***
***Жилмайсам, жилмайиб,***
***Кулсам, куларлар.***
***Қуёшга тик боқмай,***
***Ерга боққан зот.***
***Озорлик мактабин***
***Ўтагай эй кас.***
***Мен шод бўлар бўлсам,***
***Нега сен барбод.***
***Нега эшигингни***
***Қоқмайди ҳавас.***
***Менда ҳавас зўрдир,***
***Сенда ҳасад зўр,***
***Дуч келсак, илигинг кетар қалтираб.***
***Кафтимда қуёшим болалабди кўр,***
***Кипригингда ғусса занги ялтирар.***
***Ҳаёт йўлларимда***
***Қайда бўлмайин***
***Нурдан нафас олиб, кулиб келдим мен.***
***Майда сўз,***
***Майдакаш, майда бўлмайин***
***Хайрият, ўзимни билиб келдим мен.***

## ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИМДА

***Ҳаёт йўлларимда***
***Қайда бўлмайин***
***Яхшилик уруғин экиб келдим мен.***
***Майда сўз,***
***Майдакаш, майда бўлмайин.***
***Ёмонлик бошини эгиб келдим мен.***
***Дуч келдим гоҳида ғаразгўйларга,***
***Кўйлаги тикилган фисқу фасоддан,***
***Улар нафас олиб***
***Бадбин бўйлардан.***
***Йўлимни бурдилар нуқул касодга.***
***Олдимдан чиқдилар***
***Сўнгра жилмайиб***
***Гоҳ товуш бердилар бойўғли мисол.***
***Аммо билмадилар***
***майдакаш, майиб***
***Одам боласига бўлолмас тимсол.***
***Ўзимга яраша бордир қусурим,***
***Сўранг айтиб берай***
***Эй аҳли ғусса.***
***Фақат оллоҳдан бор қарзу узурим,***
***Ундан мадад олгум***
***ким йўлим бузса....***

*Сафар БАРНОЕВ.*

---

*Ниҳол*

# ТАМАГИР

**(Эртак)**

Қадим замонда обод, кўм-кўк шаҳар бўлиб, бу шаҳарнинг атрофи ўрмон билан қопланган экан. Ўрмон эса тоғлар билан ўралган экан. Бу тоғлардан ўтилса, катта саҳро келаркан. Овчилар шу саҳрода ҳар хил ҳайвонлар овлашаркан. Баҳор кунларининг бирида учта овчи кийик овлаш учун саҳрога чиқишибди. Ҳайвонларни алдайдиган чоҳни қазиш учун ярим кун кетибди. Чоҳнинг устини дарахт шохлари ва барглар билан ёпишибди. Бир неча кун кийик пойлаш билан ўтибди. Биринчи кун ўрага маймун тушиб қолибди. Учинчи кун йўлбарс ва илон, тўртинчи кун бадфеъл ва тамагир бир заргар тушибди. Ишлари юришмаган овчилар ҳайвонларни ва заргарни у ерда қолдириб, ўзлари шаҳарга қайтиб келишибди. Кунлар шу тарзда ўтибди. Бир куни чоҳнинг олдидан бир мусофир ўтиб қолибди. Ҳайвонларга ва заргарга раҳми келиб, уларни қутқаришни ўйлабди. Шу ниятда салласининг бир учидан ушлаб, иккинчи учини маймун билан илонга ташлабди. Аввал йўлбарсни, кейин маймун билан илонни қутқарибди. Навбат заргарга келганда, ҳайвонлар уни бу йўлдан қайтаришибди. Мусофир сабабини сўраса ҳайвонлар:

— Бир неча муддат шу чуқурда бирга эдик, у киши тамагир ва феъли жуда ёмон. Уни қутқаришнинг фойдаси йўқ, — дейишибди. Аммо мусофир уларнинг гапига эътибор бермай, заргарни қутқарибди. Хайрлашиш чоғида маймун дебди:

— Мен баланд тоғда яшайман, агар йўлинг тушса биз томонларга қадам ранжида қил.

Кейин йўлбарс дебди:

— Мен шу тоғнинг орқасидаги ўрмонда яшайман. Бирор ёрдам керак бўлса, ёнимга кел.

Илон дебди:

— Мен шаҳарда яшайман, яхшилигингни унутмайман.

Заргар ҳам унга қаерда яшашини айтибди. Кейин улар хайрлашибдилар. Бир неча ой ўтгач, мусофир шаҳарга бормоқчи бўлибди. Бунинг учун аввал тоғдан ва ўрмондан ўтиши керак экан. Тоғда маймунни дўстлари даврасида учратибди. У шохдан-шохга сакраб юрган экан. Мусофирни дарров танибди. Унга яқин келиб дебди:

— Мен дўстларим билан бўлишим керак, сени шаҳаргача кузатмайман, — деб қўлидаги сават тўла меваларни мусофирга берибди. Мусофир ўрмонга яқинлашганда, йўлбарсни учратибди. У қаттиқ наъра тортиб дебди:

— Эй, мусофир мени танимадингми? Мен ўша сен қутқарган йўлбарсман, мен қайтгунимча шу ерда бўлгин, — дебди-да, шаҳарга кириб, бой қизининг жавоҳирларини мусофирга келтирибди.

— Сен дўстимсан, бу жавоҳирларни ол — дебди.

Мусофир олтин-жавоҳирларни олиб, йўлбарс билан хайрлашиб шаҳарга келибди. Шаҳарда заргар ёдига тушиб, унинг устахонасига борибди. Жавоҳирларни унга сотмоқчи бўлибди. Заргар жавоҳирларни таниб хизматкорини ёнига чақирибди: Дарҳол бойга:

«Ўғри топилди», деб айтишни буюрибди. Тезда хизматкорлар етиб келишибди. Мусофирни қўлига кишан солиб, шаҳардан олиб ўтишибди. Илон ҳам томошага чиққан экан. Мусофирни танибди. Воқеани сўрабди. Мусофир ўз саргузаштларини ҳикоя қилибди. Шунда илон дебди:

— Мен фақат бир иш қила оламан. Бойни чақаман, унга шифо бўладиган дорини эса сенга топшираман.

Дорини мусофирга топшириб, ўзи бойни чақибди. Бой бетоб бўлиб ётибди. Кўп табиблар қарашибди, лекин шифосини тополмабдилар. Шунда илон дераза ёнига келиб:

— Дардингнинг давоси сен зиндонга солган мусофирнинг қўлида, — дебди.

Бой тезлик билан мусофирни олиб келишни буюрибди. Шифо топгач, ҳамма воқеадан хабардор бўлиб, мусофирни озод қилибди. Заргарни эса уйидан ҳайдаб чиқарибди.

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ.*

Асосий ҳужжатимиз

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЯНА БИР РАМЗИ

***Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспорти ҳамюртларимиз учун бир талай қулайликлар яратиш билан бир қаторда халқимизнинг фахри-ифтихори ҳам бўлиб қолмоқда. Биз фуқаролик паспортини қўлга олганда ўзимизда қандайдир бир фахр-ифтихор, кўтаринки кайфият ҳис этамиз. Чунки бу элда яшаётган ҳар бир инсон бу ёруғ кунларни қанчадан-қанча соғинч ва машаққат билан кутганлиги сир эмас. Биз Ўзбекистон Республикаси паспортини олиб, Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга муяссар бўлган юртдошларимиз билан суҳбатда бўлдик.***




**— Отахон, ўзингизни таништирсангиз.**

— Мен Мусажон Раҳмонқулов, «Тошкент давлат авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамиятида ишлайман. Ёшим эллик еттида.

**— Илк бор Ўзбекистон фуқаролик паспортини олганингизда кўнглингиздан нималар кечди?**

— Болам, сизга айтадиган бўлсам, ўттиз йилдан ошиқ мана шу собиқ иттифоқ паспортидан фойдаландик. Аммо, бу паспорт ҳақида Маяковскийнинг шеъридан бўлак бошқа нарса борлигини билмайман. Мустақиллигимиз шарофати билан қўлимизга ҳақиқий Ўзбекистон паспортини ҳам олдик ва мен уни 1995 йилда биринчилар қатори олганимдан чексиз фахрланаман. Мана бу паспорт билан Америкага, Японияга ҳам бориб келишмоқда. Чет элларда мустақил Ўзбекистон эли борлигини танитишмоқда. Бугун шундай кунлар билан ҳамнафас бўлиб турганимдан бошим осмонга етмоқда.

**Нилуфар ИБРОҲИМОВА, 23 ёшда, 1995 йили Яккасарой туман Ички ишлар бўлими томонидан биринчилар қаторида Ўзбекистон паспортини олган:**

— Ўзбекистон фуқаролик паспорти менга қувонч устига қувонч олиб келди десам муболаға бўлмайди. Чунки ўша йили фарзандли бўлдик. Назаримизда паспортнинг афзаллик томонлари кўп. Биринчидан уч миллат тилида ёзувлар битилган бўлса, иккинчидан ушбу паспорт халқаро ҳужжат мақомидадир. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кишида мабодо бошқа бир давлатга бориш нияти туғилиб қолса, ортиқча югур-югуру, сарф-харажатларнинг ҳам кераги бўлмай қолмоқда. Ўйлайманки, яшил жилдли Ўзбекистон паспорти мустақил республикамиз фуқаролари учун тобора фахр-ифтихор рамзи бўлиб қолмоқда.

**Хондамир ТУРҒУНОВ, ёши 18 да, айни пайтда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг биринчи курс талабаси:**

— Бизнинг даврга келиб, мамлакатимизда бир талай ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгариш ва ютуқларнинг аввалида эса, Ўзбекистон фуқаролик паспортининг жорий этилиши алоҳида ўрин эгаллайди, деб ўйлайман. Биз ёшлар авваламбор, Ўзбекистон паспортини қўлга олганда, озод юрт ўғлонлари эканлигимизни ва шу юрт биз учун муқаддас ҳам эканлигини қалбдан ҳис этишимиз керак.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон фуқаролик паспорти ҳаётимизда катта ўрин эгаллайдиган муҳим ҳужжатдир. Мустақиллигимиз рамзи бўлган ушбу яшил паспортни олишимиз учун 2000 йилгача муддат берилган. Ўйлайманки, ҳали бу ишни бошламаган юртдошларимиз қалб даъвати ила эски намунадаги паспортларини алмаштиришга киришадилар.

*Очил ХАЗРАТОВ.*



*Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Қизил деҳқон маҳалласида истиқомат қилувчи Нурмуҳаммад ота Абзаловнинг бутун умри эл хизматида ўтди. Беш фарзандни ҳалол меҳнат билан вояга етказган бу инсон яқинда 75 баҳорни қаршилади.*

*СУРАТДА: Нурмуҳаммад ота Абзалов набираси Зайниддин билан.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

## НОМИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

Маълумки, қадимда муаллим ўз уйида мактаб очиб, ота-оналарнинг ҳар бири ўз имкони даражасида ажратадиган маблағлари ҳисобига яшаган. Ҳозирги кунда мактаблар давлат томонидан қурилиб, муаллимнинг иш ҳақи ҳам давлат ҳисобидан тўланади. Эски замондаги муаллимларга ўхшаган ҳолда ўқувчиларнинг ота-оналари келтирадиган ҳақ учун ҳеч қандай асос қолмаган. Лекин ўзаро оддий инсоний муносабатлар шаклидаги байрамлар ёки бошқа сабаблар билан ўқитувчини муборакбод қилиш, унга гул совға қилиш каби ҳаракатларни тақиқламайди. Шунингдек, мактабни битириб кетган ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиларидан хабар олиб туришлари каби ҳаракатлар жамиятимиз ҳаётидаги ижобий ҳолат деб тушунилиши лозим. Маълумки, ҳозирги кунда ўтиш даври мураккабликларига қарамай ўқитувчилар ва бошқа бюджет муассасаларнинг ходимларига иш ҳақлари узлуксиз бериб борилмоқда.

Мактабимиз ўқитувчилари газетада босилган «Муаллим совғага муҳтожми?» сарлавҳали мақолани ўқиб, унда баён қилинган ҳодисаларни муҳокама қилиш жараёнида қайси ўқитувчи шунчалик нотўғри ишлар қилиши мумкинлигини ва унинг сабабларини таҳлил қилиш натижасида мактаб ва ўқитувчи шаънига доғ туширадиган бундай ҳаракатларни кескин қораладилар ҳамда шундай ножўя хатти-ҳаракати билан барча ўқитувчилар обрўсини тўкадиганларни аниқ кўрсатиб, тегишли чоралар кўриш лозим, деган хулосага келдилар.

Мақолада келтирилган мисоллардан боғча опасининг туғилган кунига совға бериш, «Алифбо» байрами ва тўртинчи синфни битириш байрамини ўтказиш учун пул йиғиш, байрамда ўқитувчига совға бериш. Бунда директор учун ҳам совға ундириш каби ҳодисалар чинакам ўқитувчи, мураббий, устозлар учун батамом бегонадир. Модомики, шу мақоладаги воқеалар юз берган экан, унинг асл сабабчилари ўқитувчилик, тарбиячилик номига доғ туширганлар, улар агар ёш, тажрибасиз бўлсалар тезроқ тўғри йўлга тушсинлар, бунинг учун мақолада айтилганидек, ўзлари мактаб ўқувчиси бўлган даврларидаги ёки ёнларида туриб ишлаётган кекса тажрибали устозлар маслаҳатига қулоқ солсинлар.

Шу билан бирга, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ушбу мақоладаги нохуш ҳодисалар барча қийинчиликларга қарамай, ўз вазифаларини ҳалоллик билан сидқидилдан бажариб келаётган фидокор ўқитувчиларимиз шаънига путур етказа олмаслиги керак, чунки ҳар бир гап ўз эгасини топиши шубҳасиздир.

*Хадича УБАЙДУЛЛАЕВА,*
*311-бошланғич гимназия мактаби раҳбари.*

## ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК ЗАРУР

Мақоладаги фикрлар тўғри. Ўқитувчининг ҳар бир хатти-ҳаракати ўқувчининг кўз олдида бўлади. Чунки у тақлид учун жонли тимсол. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқитувчи ўзининг ҳар бир айтаётган сўзи, қилаётган ишлари учун ўқувчи олдида жавобгарлигини ҳис қилмоғи керак. Тўғри, бизнинг меҳнатимиз ўта машаққатли, вақти чегараланмаган, кучли асабни, фидойиликни талаб қиладиган касб. Балки шунинг учун асрлар жараёнида ота-боболаримиз ўқитувчини устоз деб эъзозлаганлар. Устоз обрўси жуда юқори бўлган. Устоз доимо ўз ғурури, обрўсини муқаддас ҳисоблаб, камтарлик ва ҳокисорликни ўзига мезон қилиб олган.

Аммо оппоқ қалб эгаси бўлган шогирдларидан тамагирлик қилиш, нимадир талаб қилиш шу мезонни бузиб, ўқитувчи эътиқодига путур етказмасмикан? Келинг, шогирдларга чуқур билим бериб, Ўзбекистон келажагининг баркамол авлодини етиштиришда поклик, ҳалолликни ўзимизга мезон қилиб олайлик! Бўлажак шогирдлар ҳам шу анъанани — ҳалоллик ва покликни давом эттиришларини истардик.

*1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси номидан ўқитувчи Хурсаной УМУРЗОҚОВА.*

Акс садо

# «МУАЛЛИМ СОВҒАГА МУҲТОЖМИ?»

**«Тошкент оқшоми», 1998 йил 13 март**

***Юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақола юзасидан таҳририятимиз кўплаб мактублар олмоқда. Қуйида уларнинг айримларини эълон қилмоқдамиз.***

## ФАҚАТ ЎҚИТУВЧИ АЙБДОРМИ?

«Муаллим совғага муҳтожми?» мақоласини ўқиб чиқдим. Албатта, мавзуси ўта долзарблигини эътироф этган ҳолда баъзи бир фикрларимиз ҳам йўқ эмас. Энг аввало нафақат муаллимлар, балки бошқа касб аҳли ҳам шуни яхши фаҳмлаши керакки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янгича иқтисодий фикрлаш, қўшимча маблағларни ишлаб топиш имконларини қидириш керак.

Мактаб ҳам, унда ишловчи муаллимлар ҳам бугунги кунда барча имкониятларини ишга солиб бозор шароитига мослашиши, унинг тамойилларини ҳаётга татбиқ эта билиши керак. Шунинг учун ҳам ҳозир малака ошириш институтимизда иқтисодий билимлар ўқитилишига катта эътибор берилмоқда, уни мактаб ҳаётига татбиқ этилмоқда.

Тўғри, гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, муаллимлар орасида ҳам «совға олувчи»лар, тамагирлик қилувчилар йўқ эмас. Аксарият ҳолатларда бунинг ташаббускори мактаб ёки ўқитувчи эмас, балки айрим ота-оналарнинг ўзи бўлаётганлиги ҳам сир эмас. Ҳақиқий ўқитувчи ҳеч қачон совғага муҳтож бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Лекин ўқитувчига ҳам, унинг бола олдида обрўсини тўкаётган ота-оналарга ҳам ушбу мақола тегишли деб ўйлайман.

Холис ниятли, мактабга чин ихлос қўйган ота-оналарни маорифга ёрдам учун ҳеч ким йўлини тўсмайди. Ҳар қандай моддий ва маънавий ёрдам умуммактаб манфаатлари йўлида берилса савоб ҳам, ота-она учун обрў ҳам бўлар эди. Ўқитувчи халқимизнинг энг зиёли қатлами сифатида ҳар қандай аҳволда ҳам ўзини, оиласини эплай олган, ҳалол меҳнат, эзгу ният, қолаверса, бола учун энг ёрқин тимсол бўлиб қолади.

*Шаҳло ЮНУСОВА,*
*шаҳар халқ таълими бош бошқармаси қошидаги Ўқитувчилар малакасини ошириш институти бошланғич таълим кабинетининг услубчиси,*
*Бахтиёр Рауф ўғли,*
*олий тоифали муаллим.*

## КЕСКИН ЧОРАЛАР ЗАРУР

Бизнинг фарзандлар ўқийдиган 311-бошланғич-гимназия мактабда ота-оналар қўмиталари аъзолари сифатида мактабга тааллуқли барча масалаларни мактаб ўқитувчилари ва раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал қилиб келмоқдамиз. Ҳозирги даврда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган улкан ишлар ёш авлодни баркамол таълим ва тарбия олиши йўлидаги Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш йўлидаги энг зарур мақсадларга хизмат қилишига ишонамиз. Бундан ташқари маҳалла аҳллари орасида ана шу мақсадларга ўз фарзандларининг яхши таълими ва тарбиясига фаол муносабатда бўлишлари орқали ҳисса қўшишларига қаратилган тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Газетанинг шу йил 13 март сонида босилган «Муаллим совғага муҳтожми?» мақоласида баён қилинган ҳодисаларга ўхшаш ҳолатлар бизнинг фарзандларимиз ўқийдиган мактабда юз берган эмаслигини маълум қилиш билан бирга ана шундай салбий ҳолатларнинг бошқа соҳаларда анча тарқалганлигига ва уларга қарши кескин чора-тадбирлар кўрилиши лозим деб ўйлаймиз.

Ҳурмат билан: Акмал Икромов туманидаги Ўткир, Абдулла Қаҳҳор, Бешқайрағоч маҳаллалари мактаб ўқувчиларининг ота-оналари аъзолари номидан

*Дилдора ШОЗОКИРОВА,*
*Маъмура УМАРОВА,*
*Ноила МИРДАДАЕВА,*
*Жами 12 имзо.*

## КЎРИНМАС ПАРДА

Одам одамга совға берса бунинг аслида ҳеч бир ёмон томони йўқ, балки эзгу амал ҳисобланади. Лекин бундай муносабат ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида бўлса, бу жуда нозик масала. Чунки бу иккала шахс орасида кўринмас парда бор. Қолаверса ўқитувчи бир эмас, қирқ болага таълим беради, қирқ боланинг моддий шароити эса қирқ хил.

Бугунги кунда фарзанди ўқиётган мактабга моддий жиҳатдан ёрдам бераётган, масалан, синфга бирор ўқув жиҳози олиб бераётган ёки ўқув хонасини ўз ҳисобидан таъмирлаб бераётган ота-оналар йўқ эмас. Бу яхши албатта. Аммо бундай иш риёкорларча бўлмаслиги лозим.

*Гулнора ЮНУСОВА,*
*Акмал Икромов тумани.*

## ОҚЛАБ БЎЛМАЙДИ

Ён қўшнимнинг боласи жуда шўх, бу ҳам етмаганидек мактабда яхши ўқимасди. Ота-онаси фарзандининг бу айбини хаспўшлаш учун синф раҳбарини байрамларда «хурсанд» қилиб турар, баъзан синф хонасини ўз ҳисобидан таъмирлатиб берарди. Бунга сари боланинг ўқитувчисига эркалиги тобора ошиб борди. Бу ҳолнинг оқибати қандай тугашидан ташвишда эдик.

Ҳақиқатан ҳам бундай «мурувват» узоққа бормади, фарзанд мактабни тугатиб бирон тайинли ишнинг бошини тутмади. Соқолмўйлови чиққанда ҳам ота-онасининг чўнтагига қараб, уларни безор қилиб юборди. Тўғри-да, ота-она қачонгача боласининг айбини яшириб, уни ҳаёт сўқмоқларидан олиб ўтади? Шундай экан, ҳеч қандай шароитда, ҳеч бир сабаб билан муаллимнинг совға олишини оқлаб бўлмайди.

*Юлдуз САМАДОВА,*
*Бектемир тумани. Сувчи даҳаси.*

## БИЛИМ ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

Бир шоир мактаб кўрмаган одамдан яхши қилиқли ҳайвон яхшидир, деб айтган экан. Мен ҳам эллигинчи йилларда ўқувчи бўлганман. Бизда ҳозиргидек папка ва ручка бўлган эмас. Матодан қилинган елкага осиб юрадиган жилд тутардик. Мактаб директори ва муаллимлар биздан пул сўрамаган. Синфдан-синфга кўчишда ўқитувчимиз қўшимча дарсга келишни ўқитар эди. Хулқи ва баҳолари ёмон болалар қўшимча дарсда фаол қатнашиб кузги имтиҳонларга қолмас эдилар. Синфдан-синфга кўчганда ота-оналар мактабга чақирилар эдилар. Улар фарзандларининг фанларни ўзлаштиришлари билан қизиқардилар холос. Ҳеч қандай пул йиғиш, тамагирлик бўлмагани ҳамон эсимда. Ўша вақтда ҳам 8 март байрами бор эди. Ота-оналаримиз муаллимларга гул, открытка берар эдилар.

Тўғри, у вақтлар ўтиб кетди, аммо мактаб ва муаллим доимо бор. Алифбени ўргатганга бельгийча гилам, 4-синфни битирганларга ўтириш, бу нима деган гап ўзи? Боғча опасининг туғилган куни бўлса нима бўпти? Унинг ота-онаси, оиласи, дугоналари, қариндошлари, қўни-қўшнилари бордир ахир. Улар табриклашмайдими?

Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчиришлари муносабати билан ота-оналар мактабга чақирилиб, кичикроқ тантана қилиб ҳаваскорлик концерти ташкил этилса бошқа гап. Умуман олганда, муаллимми, боғча опами, уларнинг тантанали кунларини ўз жамоаси ўтказади. Айрим тарбиячи ва муаллимлар Саъдий Шерозийнинг мана бу гапини яна бир ўқиб кўрсинлар:

***Агарда тарбият кўрмаса одам,***
***Нодон бўлиб қолур,***
***юзга кирса ҳам.***

*Абдулла ТОЛИПОВ,*
*меҳнат фахрийси.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТОШКЕНТ ШАҲАР АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ АКЦИЯ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банкининг акциялари номинал қиймати 1500 сўмга ўсиши муносабати билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар — акция эгалари акция сертификатларини 1998 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳар банкига топширишингизни сўрайди.*

*Бизнинг манзилимиз:*
*Пушкин кўчаси, 5*
*т.р. 133-83-74 - 133-28-92*

**Бизнинг шаҳардаги бўлимларимиз:**

1. М. Улуғбек бўлими Истиқлол кўчаси, 25. т.р. 133-03-17
2. Миробод бўлими Туркистон кўчаси, 10. т.р. 133-66-40
3. Қатортол бўлими Қатортол кўчаси, 30. т.р. 78-22-05
4. Ракат бўлими Горбунов кўчаси, 2 а. т.р. 34-17-70
5. С. Раҳимов бўлими А. Бобожонов кўчаси, 10. т.р. 48-37-85
6. Чилонзор бўлими Бульварная кўчаси. т.р. 76-54-26
7. Охунбобоев бўлими Чилонзор 30 кв. 16а уй. т.р. 72-98-28
8. Ҳамза бўлими Гоголь кўчаси, Ц-1б. т.р. 133-41-98
9. Сирғали бўлими Сирғали-8 даҳаси. т.р. 58-37-46
10. Авиасозлик бўлими М. Ҳасанова кўчаси, 5. т.р. 96-32-90
11. А. Икромов бўлими Фарҳод кўчаси, 12-даҳа, 3а. т.р. 76-65-412
12. Нодирабегим бўлими М-14, уй 19. т.р. 44-06-60
13. Юнусобод бўлими Юнусобод, 9 кв. Йенцова, 7. т.р. 21-01-00
14. Яккасарой бўлими У. Носир кўчаси, 61 т.р. 53-53-09
15. Шаҳристон бўлими Гвардиячи кўчаси, 40. т.р. 53-52-51

*Белгиланган муддатгача қайтарилмаган акция сертификатлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.*

**Акцияларни топшириш вақтида акция эгаси эканлигини тасдиқловчи паспорт билан келиши шарт.**

**Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банки Тошкент шаҳар бўлими маъмурияти.**

*«Озиқ-овқат» акциядорлик улгуржи-чакана савдо бирлашмасининг жамоаси, дўстлари Мирфозил Орипович МИРАЮБОВни шонли юбилейи — таваллуд топган кунининг 50 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этадилар, унга катта бахт, омад ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайдилар.*

### ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан **1998 йилнинг 6 майидан 26 майигача** Юнусобод даҳасининг 14-мавзесидаги 36-а, 39, 40, 43, 44, 45, 46-уйларда ва 17-мавзесидаги 4-уйдан 12-уйгача истиқомат қилувчи абонентларда вақтинча телефон алоқаси бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

Собир Раҳимов туманидаги «ТАДБИРКОР ТАЛАБА» хусусий фирмаси тугатилади.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 46-70-23 телефони орқали қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги 105-ўрта мактаб томонидан МАННОНОВ Шуҳрат Ботирович номига 1997 йил 17 июнда берилган № ОЯ — А1 № 033486 рақамли шаҳодатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, фан ва халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, туманлар халқ таълими бўлимлари ҳамда таълим муассасалари педагогик жамоалари бош бошқарманинг собиқ масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Саидрасул СИДДИҚХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-08. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.